МУҲАММАД АЛИ РОМАНЛАРИДА МУАЛЛИФ НУТҚИ ВА АСАРНИНГ БАЁН УСЛУБИ ХУСУСИДА

Н. ЖЎРАЕВА

В данной статье исследована своеобразие повествовательной манеры, лингвистические особенности речи автора в историческом романе “Улуғ салтанат” Мухаммада Али.

In this article the author tries to study the peculiarities of manners of narration and linguistic features of the author’s speech in the historical novel “Great Empire” by Muhammad Ali.

Бадиий асарларда, хусусан, ўтмиш ҳаёти ёритилган битикларда ўқувчини ишонтириш, унинг бадиий-эстетик эҳтиёжини қондиришнинг асосий шартларидан бири тарихий муҳит ҳамда воқеликни ҳаққоний тарзда тасвирлашдир. Яъни бунда муаллиф асар қаҳрамонларини, шунингдек, китобхонни ҳам “... тил унсурлари воситасида яратилган бадиий реалликда” [4.116] яшай бошлашларига эришмоғи муҳим саналади. Аслида, эпик асарларда, хусусан, романларда ёзувчининг оламнинг лисоний манзарасини нечоғлик тўлақонли ярата билганлиги унинг маҳорати, шунингдек, асарнинг муваффақиятини белгиловчи омил бўлади десак, янглишмаймиз. Бунда асардаги муаллиф нутқи ҳамда қаҳрамонлар нутқининг индивидуаллигини намоён этиш, уларнинг ўзига хослиги, айни пайтда, уйғунлигини таъминлаш ҳал этувчи аҳамият касб этади. Муҳаммад Алининг тарихий романларини тадқиқ этиш асносида юқорида таъкидланган икки аспект:

а) муаллиф нутқи;

б) персонажлар нутқини ўрганиш орқали ёзувчининг оламнинг лисоний манзарасини акс эттириш маҳоратини кузатамиз.

Аввало, муаллиф нутқини қуйидаги аспектларда кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир:

муаллиф нутқи ва асарнинг баён услуби;

муаллиф нутқи ва тарихий сўзлар;

муаллиф нутқи ва архаизмлар;

муаллиф нутқи ҳамда диний сўз ва иборалар.

Адабиётшуносликда муаллиф нутқига қуйидагича таъриф берилади: “Муаллиф образи асарда тасвирланган ва тасаввуримизда жонланувчи бадиий воқеликни яхлитлаштирувчи субъектив асос бўлганидек, муаллиф нутқи асарнинг моддий тарафини (тил унсурлари воситасида яратилган матнни) яхлитлаштирувчи унсурдир. Муаллиф нутқи грамматик жиҳатдан адабий тил нормаларига яқинлашади, бироқ унинг адабий тил нормаларига тўла мувофиқ келишини талаб қилиш хато бўлур эди. Зеро, ёзувчи ўзининг ҳис-кечинмаларини, ўй-фикрларини имкон қадар ёрқин ифодалашга интиларкан, баъзан адабий тил нормаларидан чекинади, бу билан миллий тил имкониятларини кенгайтиришга ҳисса қўшади, чунки айни шу чекинишларнинг вақти келиб адабий тил нормасига айланиши эҳтимолдан йироқ эмас” [5.183].

Адабий тил нормаларидан чекиниш асарда, хусусан, романларда муаллиф нутқида қўлланиш доираси чекланган сўзлардан фойдаланишда ҳам кузатилади. Асарда воқелик муаллиф тилидан ҳозирги адабий тилда баён этилади. Лекин ёзувчи воқеалар баёни жараёнида услубий жиҳатдан ўзига хос йўл тутади, яъни маълум бир мақсад, масалан, тарихий колоритни бериш учун муайян нутқий вазиятларда у ёки бу сўзнинг нисбатан эскирган вариантини – синонимини қўллаши мумкин. Бу роман характери (замонавий, тарихий, фантастик...) мавзуси ва бошқа хусусиятига кўра услубий уйғунликни юзага келтиришга ёрдам беради. Мисолларга мурожаат қиламиз:

Муҳаммад Алининг “Улуғ салтанат” трилогияси биринчи китобидан олинган дастлабки жумлаларга эътибор қаратамиз: “*Наврўзи айём арафасида ўттиз тўрт ёшли Темурбекнинг қўшини Жайҳундан ўтиб, Балхдан узоқ бўлмаган Бўйё деб аталган мавзеда чодир тикди. Тарих ҳижрий 771 йил кириб келмоқда эди…. Ўн беш кун аввал Кешда, Темурбекнинг чорбоғида бўлган машваратда, Мовароуннаҳрнинг ҳозирги вазияти, Самарқанд, Тошкент, Хўжанд, Бухоро шаҳарларидаги аҳвол ҳақида сўз борди*” [7.3; кейинги ўринларда юмалоқ қавс ичида саҳифа кўрсатилади]. Олинган мазкур парчада Амударё гидроними ўзининг тарихий шакли бўлмиш *Жайҳун*, Шаҳрисабз топониминиг ўтмишдаги номи *Кеш* тарзида берилиши орқали адибнинг танланган мавзуга мувофиқ услубни шакллантиришга, яъни воқеликка тарихий бўёқ беришга асарнинг илк сатрлариданоқ диққат қаратганига гувоҳ бўламиз. Шунингдек, бизнинг замонамизда қайси жой эканлиги кўпчиликка номаълум бўлган *Бўйё* мавзеси ҳамда милодий 1370 йилнинг ҳижрий 771 сана шаклида берилиши ҳам ана шу мақсадга хизмат қилади. Охирги жумладаги маслаҳат, кенгашиш маъносида келган эскирган китобий *машварат* сўзи мазкур услубий муддаонинг мукаммал бўлишига “ҳисса қўшган”. Бу лексик бирликлар ҳозирда ҳаммага таниш ва фаол қўлланаётган шаклда берилса, муаллифнинг баёнида мавзу ва мазмунга мувофиқ услуб шаклланмай қолиши тайин эди. Ҳозиргача трилогия сифатида нашр этилган бу асарнинг ибтидосидаги мазкур услубий ўзига хослик Муҳаммад Алининг Амир Темур образи, у билан боғлиқ воқеаларни ҳаққоний гавдалантиришида, тарихий муҳитни яратишида, яъни ўзи яратмоқчи бўлган оламнинг лисоний манзарасини бадиий тасвирлашида етакчи йўналиш бўлиб қолган дейиш мумкин. “Бадиий матн бадиий асар мазмунини ифодалаган, функционал жиҳатдан тугалланган, тилнинг тасвир имкониятлари асосида шаклланган, ўзида турли услуб кўринишларини муаллифнинг бадиий ниятига кўра эркин жамлай оладиган, тингловчи ёки ўқувчига эстетик завқ бериш, таъсир этиш хусусиятига эга бўлган ғоят мураккаб бутунлик ҳисобланади. Бадиий матнда бошқа услуб матнларида бўлганидек, қатъий мантиқ, тушунарлилик, соддалик, нормативлик каби қонуниятларга тўла-тўкис амал қилинавермайди. Унда бадиий тасвир воситаларидан унумли фойдаланилади. Таъсирчанлик биринчи планга кўтарилади” [3.88]. Ана шу жиҳатлар Муҳаммад Али тарихий романларида асар муваффақиятини таъминловчи омил сифатида намоён бўлади.

Оламнинг лисоний манзарасини яратишда ёзувчининг услубий ўзига хослиги муаллиф нутқида қуйидаги тил бирликларидан фойдаланишда намоён бўлади:

1. Синонимик қатордаги нисбатан қадимий бўлган соф туркий архаик сўзни ишлатиш: *Амир Ҳусайн бу битикни ўзидан қўшиб-чатиб шишириб, хонга етказди. (7.6) Амир Мусонинг Қарши муҳорабасида Бухоро учун бўлган савашдаги мунофиқликлари ҳам ҳар бири бир дафтар. (7.6)*

Ёзувчи воқеликни тасвирлар экан, биринчи гапда хат, мактуб сўзларининг нисбатан эскилик бўёғини сақлаб қолган ***битик,*** иккинчи гапда уруш, жанг сўзларининг шу характердаги ***саваш*** синонимини ишлатадики, ҳозирги адабий тилдаги ифодага мазмунга мувофиқ тарзда тарихий бўёқ беришга эришади.

2. Ўзбек тилининг фаол луғат таркибига ўзлашмаган, лекин мумтоз адабиёт намуналарида қўлланадиган сўзлар: *Темурбек бунга диққат қилди, аммо бу тағайюр нимадан – Искандар қиссасиданми ёки чопар сўзидан – шуни билол-*

мади (7.8) Ўзгариш маъносидаги ***тағайюр*** сўзи Алишер Навоийнинг ҳам шеърий, ҳам насрий асарларида қўлланган [1.212-213]. *Рубъи маскунга ларза солиб турган қудратли подшоҳга бандаси нечоғлик ожизлигини, бу дунёнинг эса фонийлигини яна бир бор эслатиб қўйди-да (8.314).* Бу жумла "Бобурнома"даги темурий адибнинг машҳур "*Рубъи маскунда Самарқандча латиф шаҳр камроқдур"* [2.58] таърифини эслатади ва у орқали ўқувчини ўрта асрларга етаклайди. Бу ерда адабиётшуносликда реминисценция деб аталадиган усул қўлланган [6.271]. Бунда "Бирор асардаги ибора ёки образли ифода яхлит асарни, қолаверса, унинг муаллифини тамсил этади" [3.143]. Шунингдек, романдаги **ҳавосат:** *...уларни узоқдан кўриб, ҳавосати босдими, бас кела олмасликларига кўзлари етдими...* (8.12); **мужда:** *Чопарларнинг пойи қадамидан икки карра мамнун Аббос Баҳодир бу муждани Темурбекка етказиб, бахтиёр бўлмакка ошиқди* (8.19) каби ва **нақба** (8.232); **таважжуҳ** (8.308); **арзадошт** (8.315); **тавалло** (8.328) сўзлари ҳам ана шундай ассоцация уйғотишга хизмат қилади.

3. Арабча, форсча изофалар: *Соҳибқирон одатдагидек илми нужум ва фолдан хабари бор Амир Сайфиддин некўзни ҳузурига чорлаб, қачон йўлга отланиш ҳақида кенгаш олмоқчи бўлди* (8.32). Астрология маъносида қўлланган **илми нужум** изофаси ўша давр руҳи ва киши тафаккурининг ифодасини уйғунлаштира олган. *Хўжаи Хизр деганлари ёки шулмикан?* (8.20) Диний сиймо бўлган Хизр алайҳиссалом исми олдидан ҳурмат ва эҳтиром маъноларини ифодаловчи сўзни қўйиш орқали форсча изофа ҳосил қилган ҳолда ўрта асрлар илмий, диний ва бадиий манбаларидаги ифода ҳосил қилинган. Шу каби **муртазойи аъзам (7.**22), **падари бузруквор** (7.22), **аҳли ҳарам** (7.33), **хоссаи шарифа** (7.76), **ҳаллоқи безавол** (7.125), **пойтахти фирдавсмонанд** каби изофалар мозий руҳини уйғотганлигига гувоҳ бўламиз.

4. Синонимик қатордаги сўзларнинг арабий, форсий вариантларини қўллаш: уруш, жанг сўзларининг синоними **муҳораба:** *муҳораба бошланиб кетди* (7.36); пиёда аскар сўзининг синоними **сипоҳий**: ... *навкар билан сипоҳий бир-бирига тўқнашиб кетди* (7.68); никоҳидаги аёл маъносидаги **манкуҳа**: ... *ҳатто манкуҳа ҳарами Ширинбикани Балхга элтсунлар деб киши юборибди...* (7.88); халқ маъносида ишлатилган **мардум**: ... *мардум қошида мана бундай хору зор, абгор бўлиб қолганиданми, қандайдир аламу ўкинч Темурбек вужудини қамраб олди* (7.89); чўмган, ғарқ бўлган маъносидаги **мустағриқ**: *Амирзода ўз хаёллари ичра мустағриқ эди* (7.98); шунингдек, хато маъносидаги **саҳв** (7.108); яқин дўстларга ишора қиладиган **асҳоб** (7.109); онани ифодаловчи **волида** (8.28); хабар тушунчасини билдирадиган **мужда** (8.35) сўзларини келтириш мумкин.

5. Қўшма феълларнинг нисбатан эскирган шаклларини қўллаш ҳам ушбу мақсадга йўналтирилган: урушмоқ, жанг қилмоқ феълларига нисбатан синонимликни ҳосил қиладиган **саваш қурмоқ**: *Майдонларда от чопди,савашлар қурди, душманларни зириллатди, ғолиблик нашъасини сурди, улкан Чиғатой улусини бошқарди.* (7.90); шу каби саф тортмоқ маъносидаги соф туркий қўшма сўз бўлган **йасол тузмоқ** феъли: "*Йасол тузилсин!" деган фармондан кейин амирзодалар, қолаверса, лашкарнинг бўй-бастига бир назар солиб кўнгилни обод қилиш ҳам кўп яхши нарса-да* (8.323). Қўшма феъл ясашда иштирок этадиган **эт** ёрдамчи феъли билан арабизмларни бириктирган ҳолда сўз ясаш: *Қоронғуликнинг ёт кўздан яширгани яхши, аммо шошилиб турганда йўлни кўздан ниҳон этгани ёмон* (7.54); *хон, подшо, амир мағлубият аламини тортса, унинг ҳарамидан тортиб бутун мулку мамлакатигача ҳамма нарса ғолиб қўлига ўтиб, ғолиб уларни ўз хоҳишича истеъфода этарди* (7.109); худди шу вазифада **айламоқ** феъли: ... *Мир Сайид Барака келишидан олдин хабар ҳам бермади, ваъда ҳам айламади* (7.22); *У энди Мир Сайид Баракага иродат айлайди* (7.23).

6. Масофа бирликлари ва тушунчаларининг тарихий асар мазмунига мувофиқ тарзда тарихий шаклларда ёки замонавий сўзлар ёрдамида бирикмалар тузган ҳолда берилиши: *Идилнинг ёйилмасида, дарёнинг сўл қирғоғида жойлашган хушманзара бу шаҳар билан Хазар денгизи орасида йигирма тошча масофа бор эди (8.*3); *Конигил ўланзорига етганларида икки ўқ отим нарида шаҳар ёқдан келаётган бир кўп одамларнинг қораси кўринди (7.326); ... ўзи черик бошида Хизр Хожа ўғлон кейинидан тушди ва илғор юриб Самарқанддан икки ойлик йўл масофадаги Юлдуз водийсигача от суриб борди* (8.305).

7. Саналарнинг ҳижрий шаклда ёки милодий ҳисоб билан, ойлар эса тасвирланаётган давр анъанасига кўра исломий тақвим асосида берилиши: *Ҳижрий 793 йил роббиул аввал охири пайшанба кунида Амир Темур қўшини Сариқ Ўзан мавзесига кириб борди (8.317). Тарих милодий 1391 йил ражаб ойи ўн бешида, душанба куни эди, соҳибқирон қўшини кўп машаққатлардан сўнг Қундузча мавзеига кириб борди. (8.234)*

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, оламнинг лисоний манзарасини яратишда ёзувчининг услубий ўзига хослиги муаллиф нутқида ранг-ба-

ранг тил бирликларидан: соф туркий сўзлар, арабча, форсча сўзлар, изофалар, масофа бирликлари, тушунчаларнинг тарихий шаклларда, саналарнинг ҳижрий шаклда, ойларнинг исломий тақвим асосида ифодаланишида намоён бўла олган.

Адабиётлар:

1. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати.- Т.: Фан, 1984.
2. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома.- Т.: Шарқ, 2002.
3. Йўлдошев М. Бадиий матн лингвистикаси.- Т.: Фан, 2008.
4. Қуронов Д. Адабиётшуносликка кириш.- Т., 2004.
5. Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати.- Т.: Akademnashr, 2010.
6. Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча луғати. Т.,1980
7. Муҳаммад Али. Улуғ салтанат. Биринчи китоб. - Т.: Шарқ, 2003
8. Муҳаммад Али. Улуғ салтанат. Иккинчи китоб. - Т.: Шарқ, 2008

Андижон давлат университети,
2013 йил 21 январда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. А.Нурмонов)